

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОБИЛОВ АНВАР ЭШПЎЛОНОВИЧ

**ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

**ИҚТИСОДИЁТ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УРГАНЧ – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Қобилов Анвар Эшпўлотович

Ҳудудларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш (Қашкадарё вилояти мисолида)..... 3

Қобилов Анвар Эшпўлотович

Повышение эффективности иностранных инвестиций в развитие регионов (на примере Кашкадарьинской области)..... 29

Kobilov Anvar Eshpulotovich

Improving the efficiency of foreign investments in the development of regions (on the example of the Kashkadarya region) 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОБИЛОВ АНВАР ЭШПЎЛТОВИЧ

**ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УРГАНЧ – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt182 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашев Раҳматилла Хидирович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рузметов Бахтияр
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Холмухамедов Муҳсинжон Муродуллаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, факс.: (99 862) 224-57-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, факс.: (99 862) 224-57-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

И.С.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д, профессор

[Handwritten signature]

Ш.Б.Рузметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

[Handwritten signature]

Б.Рузметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, юқори кўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхоналарни технологик янгилаш, янги иш ўринларини яратишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув жараёни ва халқаро капитал миграцияси ривожланаётган мамлакатлар ва минтақаларда хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим истиқболли имкониятларни яратмоқда. 2019 йилда жаҳон иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) ҳажми 2010 йилга нисбатан 1,1 баробарга ошган ҳолда 1539,0 млрд. АҚШ долларини, ривожланган мамлакатларда 1,13 баробарга ошган ҳолда 800,2 млрд. АҚШ долларини, ривожланаётган мамлакатларда 1,1 баробарга ошган ҳолда 684,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этган¹.

Пандемия ва ундан кейинги даврларда иқтисодий ўсишда юзага келган турғунликни бартараф қилиш мақсадида мамлакатлар ўртасида хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича кескин рақобат курашининг юзага келиши хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича янги стратегик йўналишларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ҳудудларни фаол ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хорижий инвестицияларга муҳим восита сифатида қаралмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидланганидек, "...иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади"².

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикасида энг етакчилардан бири бўлишига қарамай, инвестициялар улушида ёқилғи-энергетика мажмуасининг улуши юқориликча сақланиб қолмоқда. Худудий лойиҳаларни амалга ошириш ва ушбу лойиҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикасида куйи ўринларда бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қашқадарё вилояти ҳудудларидаги хорижий инвестицияларнинг рағбатлантирувчи ва тўсиқ бўлаётган омилларини тадқиқ этиш, ҳудудларнинг иқтисодий "ўсиш нукта"ларини белгилаб берувчи соҳаларнинг устуворлигини аниқлаш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича таклиф, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим вазифа ҳисобланади ва мавзунинг долзарблигини белгилайди.

¹ World Investment report 2020. <https://worldinvestmentreport.unctad.org/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи. 2020 йил 29 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 13-сентябрдаги ПФ-5825-сонли “Чироқчи эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сонли “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сонли “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий инвестицияларни минтақалар иқтисодиётига жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари хорижлик иқтисодчилар томонидан кенг тадқиқ этилган. Хусусан, Л.Алфаро, Е.Боренштейн, И.Ўзтурк каби олимларнинг тадқиқотлари хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга бўлган таъсири масалаларига бағишланган бўлса, А.Аразмурадов, М.Блумстром, А.Кокко, Н.Кампос, Ю.Киношита, С.Франко, Н.Пасван ва бошқа олимлар тадқиқотларида хорижий инвестицияларни амалга ошириш мотивлари ўз аксини топган³.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан А.А.Пестова, И.О.Сухарева, О.Т.Солнцев, Н.С.Рогатнев, Е.А.Федорова ва бошқаларнинг илмий асарларида хорижий инвестицияларнинг минтақавий жиҳатлари ўрганилган⁴.

³ Alfaro L. FDI and economic growth: the role of local financial markets// Journal of International Economics. 2004. Vol.64. – P.89-112.; Borensztein E.How does foreign direct investment affect economic growth? // Journal of International Economics.1998.Vol.45. – P.115-135.; Ozturk I. Foreign direct investment-growth nexus: a review of the recent literature// International Journal of Applied Econometrics and Quantitative Studies. 2007.Vol. 4 (2) . – P.79-98.; Arazmuradov A. Can Development Aid Help Promote Foreign Direct Investment? Evidence from Central Asia// Economic Affairs.2015.Vol.35 (1). – P.123-136.; Blomstrom M, Kokko A. Multinational corporations and spillovers// Journal of Economic Surveys.1998.Vol. 12(3). – P.247-277.; Campos N., Kinoshita Y. Why does FDI go where it does? New evidence from the transition economies// International Monetary Fund, Working Paper 03/228.2003.; Franco, C.Why do firms invest abroad? An analysis of the motives underlying Foreign Direct Investment// Journal of International Business Law.2010.Vol. 9 (1/2). – P.42-65.; Paswan N. Investment Cooperation in Central Asia:Prospects and Challenges// India Quarterly. 2013. Vol. 69 (1). – P. 13-33.; ва бошқалар.

⁴ Пестова А.А., Сухарева И.О., Солнцев О.Г. О стимулировании притока прямых иностранных инвестиций в российскую экономику с целью повышения "качества" экономического роста // Проблемы прогнозирования. - 2011. - № 1.-С.136-154.; Рогатнев Н.С. Эффекты прямых иностранных инвестиций в развивающихся странах:

Шунингдек, хорижий инвестициялар орқали ҳудудларни комплекс ривожлантириш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва бу орқали минтақалар иқтисодий ўсишини жадаллаштириш масалалари республикамизнинг Д.С.Алматова, Б.Т.Байхонов, Б.Б.Валиев, Ж.И.Каримқулов, М.Ф.Маҳмудов, Ш.И.Мустафақулов, Ш.Х.Назаров, Б.Рўзметов, Р.Х.Эргашев, А.Содиқов каби қатор иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқ қилинган⁵.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-услубий манба ҳисобланади. Шу билан бирга, муаллифнинг фикрича, мазкур тадқиқотларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича назарий ва методологик натижалар олинган бўлса-да, ҳудудлар кесими бўйича хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш, минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг рағбатлантирувчи омиллари, мотивларини ўрганиш бўйича чекланган доирада илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу жиҳатлар диссертация мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университетининг “Ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ҳудудларни ривожлантиришда хорижий инвестициялар самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Белгиланган мақсадга мувофиқ тадқиқот олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

типология, моделирование, регулирование/ дисс. на соискание ученой степени к.э.н.: 08.00.01. – Воронеж, 2015. – 150 с.; Федорова Е.А. Оценка эффективности прямых иностранных инвестиций: региональный аспект // Региональная экономика: теория и практика, 2019. – № 11.–С.2133-2147.

⁵Алматова Д. Минтақаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фан. док. (DSc) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2018. –Б.77; Байхонов Б. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни тармоқлараро тақсимлашнинг эконометрик моделлаштириш услубиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фан. док. (DSc) дисс....автореф. – Тошкент, 2019. –Б.73 Валиев Б. Минтақаларни комплекс ривожлантиришда уларнинг инвестиция салоҳиятини ошириш масалалари // “Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллар ва натижалар” онлайн, илмий-масофавий конференцияси тезислар тўплами. – Тошкент: 2020. –Б.688; Каримқулов Ж. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фан. док. (DSc) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2019. –Б.77; Маҳмудов М. Ҳудудларда саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқтисодиёт фан. фалс. док. (PhD) дисс. – Тошкент, 2019. –Б.72; Мустафақулов Ш. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. – Тошкент: Маънавият, 2017. – Б.326; Назаров Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисод фан. док. дисс...автореф. – Тошкент, 2016. – Б.96. ; Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дис.докт. экон. наук. – Ташкент: 1998.; Эргашев Р.Х. Инновацион иқтисодиёт. Дарслик, Toshkent, «Voriz-nashriyot», 2020,464 б.; А.Содиқов. Ҳудудий ривожланиш стратегиялари ишлаб чиқаришнинг концептуал асослари. Стратегическое планирование – важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией. Т. Ахмедова. / – Ташкент: IFMR, 2019. –С.592; ва бошқалар.

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш шакллари ва мотивлари, ҳудудлар ривожланишини таъминлашдаги аҳамиятига оид базавий концептуал ёндашувлар ва назарий қарашларни тадқиқ қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг инвестицион сиёсатида Қашқадарё вилоятининг ўрни ва иқтисодий ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва ички инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга бўлган таъсирини тадқиқ қилиш;

хорижий инвесторларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритишдаги рағбатлантирувчи омиллари (мотивлари) ва тўсиқ бўлаётган муаммоларини тадқиқ этиш;

минтақалардаги инвестицион салоҳиятни баҳолаш методикасини такомиллаштириш бўйича ёндашув ишлаб чиқиш;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича устувор соҳалар ва уларга мос “ўсиш нуқта”ларини аниқлаш;

Қашқадарё вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулот ва хорижий инвестициялар оқими кўрсаткичларининг 2021-2025 йиллар учун прогноз параметрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Қашқадарё вилояти иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Қашқадарё вилояти иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими натижасида юзага келувчи иқтисодий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, индукция ва дедукция, сўровнома, статистик гуруҳлаш, тизимли таҳлил, регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш, иерархик таҳлил усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирини кўп омилли регрессия тенгламаларининг эластиклик коэффицентлари орқали баҳолашга оид услубий ёндашувлар такомиллаштирилган;

Қашқадарё вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг инвестиция киритишдаги рағбатлантирувчи мотивлари ва тўсиқ омиллари илмий асосланган;

минтақалардаги инвестиция салоҳиятини баҳолаш мезонлари такомиллаштирилиб, туман (шаҳар)лар инвестицион салоҳиятини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

иерархик таҳлил усули (Analytic hierarchy process) ёрдамида хорижий инвестицияларни ҳудудларнинг “ўсиш нуқта”ларини белгилаб берувчи истиқболли тармоқларига оқилана жалб қилиш орқали хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган;

ARIMA моделининг мавсумийлик индекслари кузатилмаган тенгламаларидан фойдаланган ҳолда турли сценарийлар асосида Қашқадарё

вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулот ва хорижий инвестициялар оқимининг ўсиш суръатлари бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

вектор хатоликни тузатиш модели (Vector error correction model) ва панелли модель асосида ҳудудлардаги иқтисодий ўсишга хорижий ва ички инвестицияларнинг реал таъсир кўрсаткичлари ҳисобланган;

хорижий инвесторларнинг инвестиция киритиш сабаб(мотив)лари ва тўсиқларини тадқиқ қилиш орқали Қашқадарё вилоятида хорижий инвесторлар билан индивидуал ишлаш тизимини яратиш ва мавжуд ёки юзага келаётган муаммоларни тезкорлик асосида ҳал этиш механизмларини жорий этиш бўйича илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган;

инвестицион салоҳиятни баҳолаш натижаларига кўра, Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)лари рейтинги тузилган ва “юқори”, “ўрта”, “қуйи” инвестицион салоҳиятли ҳудудлар сифатида гуруҳланган;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳалари бўйича Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг “ўсиш нуқта”лари аниқланган;

ARIMA моделининг мавсумийлик индекслари кузатилмаган тенгламаларидан фойдаланган ҳолда Қашқадарё вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулот ва хорижий инвестициялар оқимининг ўсиши бўйича прогноз кўрсаткичлари 3 та сценарий (пессимистик, ўртача, оптимистик) асосида ҳисоблаб чиқилган;

Қашқадарё вилоятида хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инвестицион лойиҳаларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, статистик маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-услубий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги, амалиётга жорий этилганлиги ва уларнинг натижаларини ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий-услубий аҳамиятга молик хулоса ва таклифлари минтақалар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самарадорлигини оширишнинг услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ҳудудларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш, минтақалар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, ҳудудларнинг инвестицион лойиҳалар портфелини шакллантириш, ҳудудларнинг инвестиция дастурларига таклифлар бериш билан бирга олий ўқув юртларида янги дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларни яратиш, шунингдек, олиб чиқилган муҳим назарий ва услубий муаммолар бўйича келгусида илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Худудларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирини кўп омилли регрессия тенгламаларининг эластиклик коэффициентлари орқали баҳолашга оид услубий ёндашувлар Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг 2021 йил 15 январдаги №04/133-сонли, Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари қўмитасининг 2021 йил 15 январдаги №03-121-сонли, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги №06-15-2-00757-сонли маълумотномалари). Бу эса, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар кўлами ва сифатини, самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Қашқадарё вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг инвестиция киритишдаги рағбатлантирувчи мотивлари ва тўсиқ омиллари бўйича таклифи Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг 2021 йил 15 январдаги №04/133-сонли, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги №06-15-2-00757-сонли маълумотномалари). Бу эса, Қашқадарё вилоятида хорижий инвесторлар билан индивидуал ишлаш тизимини яратиш ва мавжуд ёки юзага келаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш механизмларини жорий этиш имконини берган ва натижада, 2020 йилда Қашқадарё вилоятида худудий лойиҳалар доирасида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 2019 йилга нисбатан 105,6 фоизга ошган ҳолда, 153,7 млн АҚШ долларини ташкил этган;

туман (шаҳар)ларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш бўйича таклиф қилинган услубиёт Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг 2021 йил 15 январдаги №04/133-сонли, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги №06-15-2-00757-сонли маълумотномалари). Бу эса, инвестицион салоҳият бўйича туман (шаҳар)лар рейтингини аниқлаш, инвестицион салоҳияти паст бўлган худудларнинг инвестицион салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

иерархик таҳлил усули (Analytic hierarchy process) ёрдамида хорижий инвестицияларни худудларнинг “ўсиш нуқта”ларини белгилаб берувчи истиқболли тармоқларига оқилона жалб қилиш орқали хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифи Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи

савдо вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг 2021 йил 15 январдаги №04/133-сонли, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги №06-15-2-00757-сонли маълумотномалари). Бу эса, Қашқадарё вилоятида 2020 – 2022 йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, туризм соҳалари бўйича хорижий инвестициялар ҳисобидан умумий қиймати 488,2 млн. АҚШ доллар бўлган ҳудудий инвестицион лойиҳалар портфелини ишлаб чиқиш, Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг салоҳияти ва “ўсиш нуқта”ларидан келиб чиққан ҳолда, саноати паст ривожланган туманларда 15 та йирик ва 110 та янги саноат лойиҳаларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 8 та, жумладан, 5 та республика ва 3 халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 5 та хорижий журнал, шунингдек, 1 та мақола Scopus, 1 мақола Web of Science базасидаги журналда чоп этирилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 137 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган ҳамда олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳудудларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида ҳудудларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг назарий асослари, ҳудудлар иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсир кўрсатадиган омиллар ва мотивлар, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий ўсишига таъсир кўрсатиш механизмлари бўйича хорижий манба ва адабиётларда келтирилган ёндашувлар батафсил таҳлил қилинган.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг монопол устунлик (Хаймер, Киндльбергер), трансакцион харажатлар ва интернализация (Коуз, Баклей, Кассон, Вильямсон), эгалик, жойлашув ва интернализация афзалликлари

(Даннинг), маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли (Вернон), горизонтал ва вертикал ТТХИ ҳамда билимлар капитали (Кейвс, Хелпман, Маркесен) назариялари тизимли таҳлили натижаларига кўра, қуйидаги назарий жиҳатлар аниқланди:

хорижий компаниялар товар белгилари, савдо маркалари, бошқарув ва маркетинг кўникмалари, чекланган ёки илғор технологиялар, барқарор молиявий имкониятларга эга бўлиш орқали маҳаллий фирмалардаги мавжуд рақобат устунлиги омилларини енгсагина инвестиция жараёнини амалга ошира олади;

ҳалқаро бозорларни четлаб ўтиш ва трансакцион харажатларни қисқартириш мақсадида компаниялар ТТХИ жараёнини амалга оширади;

кучли рақобат ва маҳсулот бирлигида олинаётган фойда ҳажмининг камайиши шароитида маҳсулотнинг ҳаётийлик циклини узайтириш учун товар ёки капитал экспортини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

фирманинг хорижий рақобатчиларига нисбатан илмий, технологик, инновацион салоҳиятига эгаллик афзалликлари бу афзалликлардан фойдаланишга эмас, уларни интерналлаштиришга ундайди;


ўзаро инвестиция муносабатларига киришувчи мамлакатлар орасидаги билим ва кўникмалар орасидаги тафовутнинг йириклашуви ТТХИ ҳажмининг пасайишига, кичик бўлиши эса ТТХИ ҳажмининг ошишига сабаб бўлади.

Инвестиция жараёнларида мотив (сабаб) бошланғич нуқта бўлиб, қачонки инвестиция киритиш (қабул қилиш) учун мотив юзага келгандагина, жараёнлар ҳаракатга келади. Хорижлик иқтисодчи олимлар Н.Кампос, Ж.Даннинг, Ю.Киношита, А.Гилморе ва бошқалар, рус олимлари И.Сухарева, И.Юнусова, К.Мехлис, маҳаллий олимлардан Б.Валиев эмпирик тадқиқотларида ТТХИ жараёни мотивлар ёрдамида тушунтирилган⁶.

Ж.Даннинг назариясига кўра, эгаллик, жойлашув, интерналлаштириш афзалликларидан келиб чиқиб, ТТХИ киритиш жараёнининг ресурс изловчи, бозор изловчи, самарадорлик изловчи ҳамда стратегик восита изловчи мотивлари фарқланади. Ўз навбатида, бу мотивлар хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилаб беради (1-расм).

Мавжуд тадқиқотларни қиёсий таҳлил қилиш орқали инвестиция жараёнлари билан боғлиқ ҳолатлар учун “мотив” атамасига “ҳукумат, тадбиркорлик субъектлари, тадбиркорларни бошқа давлатга (бошқа давлатдан) инвестиция киритиш (қабул қилиш) бўйича қарор қабул қилишга ундайдиган барча омиллар, шарт-шароитлар мажмуи” деб муаллифлик таърифи берилди.

⁶ Campos N., Kinoshita Y. Why does FDI go where it does? New evidence from the transition economies // International Monetary Fund, Working Paper 03/228.-2003.;Dunning J. Towards a paradigm of development: implications for the determinants of international business activity // Transnational Corporations. - 2006. - Vol 15(1). – P.173-227. Gilmore, A. ва бошқ. Factors Influencing Foreign Direct Investment and International Joint Ventures: A comparative study of Northern Ireland and Bahrain // International Market Review.-2003.-Vol 20(2). –P.195-215.; Сухарева И.О., Юнусова Н. Н. «Компрессор» для экономики – эффекты притока прямых иностранных инвестиций // Банковское дело. 2013. № 4. С. 31-37.;Мехлис К. Анализ мотивов прямых иностранных инвестиций в мировой экономике // Международная экономика. 2013. № 12. –С. 63—69.;Валиев Б.Б. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар детерминантлари ва уларни таҳлил қилиш усуллари (OLI модели мисолида)// «Макроэкономическая сбалансированность и комплексное социально-экономическое развитие» материалы II Форума молодых ученых-экономистов. –Ташкент, ИПМИ, 2013. –Б.87-91.



1-расм. ТТХИ-мотив-сабаб-оқибат алоқадорлиги⁷

Диссертациянинг “Худудларни ривожлантиришда хорижий инвестициялар самарадорлигини ошириш кўрсаткичлари таҳлили: имконият ва муаммолар” деб номланган иккинчи бобида дастлаб Қашқадарё вилояти иқтисодий ривожланишининг умумий тенденциялари таҳлил қилинди ҳамда ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ), саноат, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, асосий воситаларга киритилган инвестициялар, умумий даромад кўрсаткичларининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган қийматларини интеграл усулда баҳолаш орқали 2010, 2019 йилларда вилоятнинг Ўзбекистон Республикасидаги ўрни аниқланди.

Қашқадарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2010–2014 йиллар мобайнида ўсиш тенденцияси (ўртача 5,2 фоиз)га эга бўлган бўлса, 2015 йилдан бошлаб пасайиш тенденцияси юзага келган ва 2019 йилга келиб, иқтисодий ўсиш даражаси атиги 1,4 фоиз бўлган. Ялпи ички маҳсулот

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

таркибида Қашқадарё вилоятининг улуши 2010 йилдаги 8,9 фоиздан, 2019 йилга келиб 7,1 фоизга тушиб қолган.

Таҳлилларга кўра, Қашқадарё вилоятининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари орасида ўрни 2010 йилга нисбатан 2019 йилда аҳоли жон бошига ЯХМ кўрсаткичи бўйича 1 поғонага, аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат ва хизматлар бўйича 4 поғонага, аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол моллари ҳажми бўйича 2 поғонага пастлаган бўлса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий даромадлар бўйича вилоятнинг ўрни ўзгармаган (10-ўрин). Шунингдек, 2019 йилда Қашқадарё вилояти аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий воситаларга киритилган инвестициялар ҳажми бўйича 1 поғонага юқорилаган ҳолда, Республика ҳудудлари орасида 4-ўринни эгаллаган (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилоятининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Республикасидаги ўрни⁸

№	Кўрсаткичлар	2010	2019	Ўзгариш (+/-)
1	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМ	5	6	-1
2	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат ҳажми	4	8	-4
3	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол моллари	10	12	-2
4	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми	10	14	-4
5	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга киритилган инвестициялар	5	4	+1
6	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий даромадлар	10	10	0

Тадқиқотлар асосида хорижий ва ички инвестицияларнинг ҳудудлардаги иқтисодий ўсишга бўлган таъсири икки хил эконометрик модель ёрдамида баҳоланди. Дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 2010–2019 йилдаги чораклик маълумотлари асосида ЯИМ ҳажми (GDP), ТТХИ (FDI) ва ички инвестициялар (DI) орасидаги боғлиқлик вектор хатоликни тузатиш модели (Vector error correction model) асосида таҳлил қилинди. Вектор хатоликни тузатиш моделининг асосий афзаллиги шундаки, ушбу модель орқали танланган ўзгарувчиларнинг узоқ муддатли (long run) ва қисқа муддатли иқтисодий цикл (short run) даги ўзаро алоқадорлигини аниқлаш мумкин.

Грейнджер алоқадорлик тести натижаларига кўра, мамлакатимизда ЯИМ ва ТТХИнинг ўсиши ички инвестициялар ошишига ижобий таъсир кўрсатади. ЯИМ ва ички инвестициялар ўртасида икки томонлама ижобий боғлиқлик кузатилган, яъни ЯИМ ўсиши ички инвестицияларни рағбатлантириши билан

⁸ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

биргаликда, ички инвестицияларнинг ошиши ҳам ЯИМ ҳажмида ижобий ўзгаришни келтириб чиқаради. Энг аҳамиятлиси, мамлакатимизда ЯИМ ҳажмининг ошиши ёки бошқача талқин қилганда, бозор ҳажмининг ошиши, ТТХИ оқимининг ошишини рағбатлантириши аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

ЯИМ ҳажми, ТТХИ ва ички инвестициялар орасидаги Грейнджер алоқадорлик тести (Granger causality Wald tests)⁹

Ўзгарувчилар	Таъсир этувчилар	F	Df	df_r	Prob > F
FDI	GDP	3,1074	5	19	0,0324
FDI	DI	1,7323	5	19	0,1756
FDI	All	13,618	10	19	0,0000
GDP	FDI	2,4078	5	19	0,0749
GDP	DI	7,0794	5	19	0,0007
GDP	ALL	4,3604	10	19	0,0029
DI	FDI	7,7073	5	19	0,0004
DI	GDP	16,805	5	19	0,0000
DI	All	16,013	10	19	0,0000

Вақтли қаторларда юзага келадиган мавсумийлик индексини тузатиш орқали 2019 йилнинг 4-чорагидан кейинги 10 та чорак учун қилган прогнозимиз шуни кўрсатадики, ТТХИнинг ўзгариши 44,2 фоиз ўзининг ўтган даврларда кузатилган қиймати ва 55,0 фоиз ЯИМ кўрсаткичининг ўзгариши билан изоҳланади. ЯИМнинг ўзгариши 45,9 фоиз ўзининг ўтган қийматлари билан изоҳланса, 23,8 фоиз ТТХИ ўзгариши ва 30,3 фоиз ички инвестицияларнинг ўзгаришига боғлиқ ва ушбу хулоса, Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўсишда ТТХИга нисбатан ички инвестицияларнинг аҳамияти юқори бўлганлигини кўрсатади (3-жадвал). Шунингдек, ички инвестициялар ўзгаришига ЯИМ кўрсаткичи ТТХИга нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатган (мос равишда 30,4;3,2%).

3-жадвал

Кейинги 10 чорақлик муддат учун прогноз кўрсаткичи (Variance decomposition percentage of ten-quarter error variance)¹⁰

Прогноз фоизларининг ўзгариши	Таъсир даражаси (Typical shock in)		
	FDI	DI	GDP
FDI	44,2	0,8	55,0
DI	3,2	66,4	30,4
GDP	23,8	30,3	45,9

Ўтказилган регрессион таҳлиллар натижаси қисқа муддатли даврда ТТХИнинг иқтисодий ўсишга бевосита таъсири жуда ҳам кичик бўлишига қарамаздан, узоқ муддатли даврда унинг мамлакатимиз иқтисодий ўсишидаги аҳамиятининг юқори эканлиги аниқланди.

⁹ Муаллиф томонидан EViews 11 дастурий пакети ёрдамида ҳисобланган.

¹⁰ Муаллиф томонидан EViews 11 дастурий пакети ёрдамида ҳисобланган.

Панелли маълумотлар базаси асосида ўзгармас таъсир (Fixed Effect) ва ўзгарувчан таъсир (Random Effect) моделлари асосида Республикамиздаги 14 та ҳудуднинг 2010-2019 йилдаги маълумотлари асосида ТТХИ ва ички инвестицияларнинг ЯХМ ўзгаришига бўлган таъсири баҳоланди. Олинган Хаусман тести натижаси ($\text{Prob} > \chi^2 = 0,0000$) ўзгармас таъсир модели (Fixed Effect Model) асосида олинган хулосаларнинг мақбуллигини таъкидлайди. Бунга кўра, ТТХИ ҳажмининг 1 бирликга ошиши ЯХМ ҳажмини 0,12, ички инвестицияларнинг 1 бирликга ошиши эса ЯХМ ҳажмини 0,44 бирликга ошишини таъминлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз ҳудудларидаги иқтисодий ўсишда ички инвестицияларнинг ТТХИга нисбатан муҳим аҳамиятга эга экани асосланди. (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ТТХИ ва ички инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш натижалари¹¹


LNGRP –боғлиқли ўзгарувчи								
Эркин ўзгарувчилар	Ўзгармас таъсир модели (Fixed Effect Model)				Ўзгарувчан таъсир модели (Random Effect Model)			
	Коэф-фициент	Стандарт хатолик	T	P> t	Коэф-фициент	Стандарт хатолик	Z	P> z
LNFDI	0,123155	0,045187	2,73	0,008	0,08824	0,048678	1,81	0,0070
LNDI	0,439779	0,038665	11,37	0,000	0,48897	0,040649	12,03	0,000
C	4771,324	262,2146	18,20	0,000	4098,381	480,5517	8,53	0,000
R ² -within	0,7908				0,7768			
R ² -between	0,5658				0,7766			
R ² -overall	0,4301				0,6863			
Кузатувлар	140				140			
Хаусман тест	chi2(3) = 29,82 Prob>chi2 = 0,0000							

Таҳлилларга кўра, 2010–2020 йиллар давомида Қашқадарё вилояти ҳудудларига 3820,5 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, ўзлаштирилган ТТХИнинг 90 фоизи нефт, газ, кимё саноати Республика даражасидаги йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келган бўлса, 10 фоиз ёки 383,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги ТТХИ ҳудудий лойиҳалар доирасида ўзлаштирилган. Жами ўзлаштирилган хорижий капиталнинг 1818,35 млн АҚШ доллари ёки 50,2 фоизи ва ҳудудий лойиҳалар ҳисобидан ўзлаштирилган 300,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги ТТХИ (ҳудудий лойиҳалардаги ТТХИнинг 78 фоизи) 2019–2020 йиллар давомида ўзлаштирилгани билан аҳамиятлидир.

2010–2020 йилларда Қашқадарё вилоятида жами ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг 82,3 фоизи – Нишон (37,96%), Муборак (17,02%), Дехқонобод (14,5%) туманлари ва Қарши шаҳри (12,75%) ҳиссасига тўғри келса, вилоятнинг 6 та ҳудуди (Қамаши, Косон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари ва Шаҳрисабз шаҳри)да ўзлаштирилган жами хорижий инвести-

¹¹ Муаллиф томонидан STATA 11 дастурий пакети ёрдамида ҳисобланган.

цияларнинг вилоят кўрсаткичидаги улуши 1 фоиз (6 та ҳудуднинг биргаликдаги улуши 0,6 фоиз) га ҳам етмайди.



2-расм. Хорижий корхоналарнинг Қашқадарё вилоятига инвестиция киритиш сабаблари¹²

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикасида энг етакчилардан бири бўлишига қарамай, инвестициялар улушида ёқилғи-энергетика мажмуасининг улуши юқорилиги ҳамда хорижий инвестициялар жойлашуви бўйича вилоят туман (шаҳар)лари орасида кескин фарқланишуви сақланиб қолмоқда. Ҳудудий лойиҳалар доирасида ТТХИ жалб қилиш бўйича Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикасида қуйи ўринларда бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қашқадарё вилоятида ТТХИнинг рағбатлантирувчи мотивлари ва салбий омиллари саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият олиб бораётган 42 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар мисолида сўровнома усулида ўрганилди.

Хорижий корхоналарнинг Қашқадарё вилоятига инвестиция киритиш сабаблари ўрганилганда, ТТХИнинг рағбатлантирувчиси сифатида 3 соҳа бўйича ҳам “ресурс изловчи” омили – минтақадаги арзон ишлаб чиқариш омиллари (ишчи кучи, энергия, хомашё захиралари) баҳоланган (2-расм). Инвестиция киритувчи давлатлар кесимида таҳлил шуни кўрсатадики, Хитой, Россия давлатига тегишли хорижий компаниялар учун Қашқадарё вилоятига инвестиция киритишнинг ресурс изловчи омили устунлик қилган бўлса, Жанубий Корея, Туркия, Эрон давлатларига тегишли инвесторлар учун “бозор излаш” энг муҳим омил сифатида қайд этилган. Сўровномада қатнашган хорижий капиталли корхоналар учун Қашқадарё вилоятида барча соҳалар учун ТТХИнинг “самарадорлик изловчи” ва “стратегик восита изловчи” омиллари унчалик муҳим эмаслиги қайд қилинди.

¹² Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Қашқадарё вилоятида хорижий инвесторлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар¹³

Муаммолар	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Хизмат кўрсатиш	Жами	Жами респондентларга нисбатан фоиз ҳисобида
кредит фоизларининг юқорилиги ва кредитлаш тизимининг яхши ишламаслиги	22	8	3	33	78,6%
ишлаб чиқариш инфра-тузилмасига уланишнинг қийинлиги ва қолоқлиги	17	7	5	29	69,05%
бино ва ер ажратишнинг қийинлиги	12	3	5	20	47,6%
ишончли, молиявий барқарор ҳамкор топиш	12	5	1	18	42,9%
маҳсулот ва хизматларнинг сертификатлаш, лицензиялашдаги муаммолар	9	0	1	10	23,8%
бизнес юритиш кўникмаларининг пастлиги	6	3	0	9	21,4%
технологик қолоқлик	7	1	0	8	19,05%
ҳуқуқий тизимнинг яхши ишламаслиги, шартномаларга риоя қилмаслик	5	1	0	6	14,3%
Бошқа ҳолатлар	2	1	0	3	7,1%
Коррупция ва бюрократия	0	0	0	0	0

Тадқиқотлар жараёнида хорижий инвесторлар фаолиятидаги салбий омиллар ўрганилди ва сўровнома натижаларига кўра, 78,6 фоиз респондентлар томонидан хорижий инвесторлар фаолиятига энг катта тўсиқ сифатида кредит фоизларининг юқорилиги ва кредитлаш тизимининг яхши ишламаслиги қайд этилди. Респондентларнинг 69,05 фоизи фаолиятдаги тўсиқ сифатида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг қолоқлиги ва уланишга қийинлигини, 47,6 фоизи бино ва ер ажратиш билан боғлиқ муаммоларни қайд этган. Шу билан бир қаторда, шерикчиликда ишлаш учун Қашқадарё вилоятида ишончли, молиявий барқарор ҳамкорлар етишмаслиги 42,9 фоиз респондентлар томонидан салбий омил сифатида қайд қилинган (5-жадвал).

Шунингдек, респондентларнинг 23,8 фоизи маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш ва лицензиялашдаги муаммолар, 21,4 фоизи маҳаллий ҳамкорларда бизнес юритиш кўникмаларининг пастлиги, 19,05 фоизи технологик қолоқлик, 14,3 фоизи ҳуқуқий тизимнинг яхши ишламаслиги, шартномаларга риоя қилмаслик, 7,1 фоизи тўсиқ сифатида бошқа омиллар (2 та ҳолатда маҳаллий раҳбарларнинг тез-тез алмашинуви, битта ҳолатда жалб

¹³ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

қилинган инвестицияни статистика ҳисоботида қайд қилиш учун 2 та ҳудуд орасидаги конфликт)ни баҳолаган.

Мамлакатнинг ҳар бир ҳудуди ўзининг, табиий, меҳнат, молиявий ва бошқа ресурслари, шунингдек, маҳаллий бошқарув органлари томонидан хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлари билан кескин фарқланади ва ушбу фарқларни баҳолаш ҳамда солиштириш учун **ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти** кўрсаткичидан фойдаланилади. Ҳудудлар инвестицион салоҳиятини баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, мавжуд ҳулоса ҳамда таклифлар, асосан, вилоятлар даражасида чекланиб қолган. Амалда вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари туманларда эришилган пировард иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобидан шаклланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, туман (шаҳар)лар кесимида баҳолаш амалиётини жорий қилиш минтақа ҳудудларига хорижий инвестициялар жалб қилиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш бўйича муаллифлик услубиёти ишлаб чиқилди ва у ҳудуд инвестицион салоҳияти устунликлари ҳамда ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишларининг ўзаро боғлиқлигини мазмунан ва таркибий жиҳатдан батафсил очиб беради. Таклиф этилган услуб асосида Қашқадарё вилояти туман(шаҳар)ларининг инвестицион салоҳияти 8 та мезон ва 29 та кўрсаткичлар асосида баҳоланди (6-жадвал).

6-жадвал

Ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари¹⁴

№	Мезонлар	Кўрсаткичлар
1	Иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик салоҳияти	Жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми (К1) Жон бошига тўғри келадиган истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми (К2) Жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (К3) Жон бошига тўғри келадиган қурилиш пудрат ишлари ҳажми (К4) Жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми (К5)
2	Инвестицион фаоллик салоҳияти	Туман (шаҳар)нинг вилоятдаги хорижий корхоналар сонидаги улуши (К6) Туман(шаҳар)нинг вилоят асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши (К7) Жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (К8) Туман(шаҳар)нинг вилоятда жами ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардаги улуши (К9)
3	Молиявий салоҳияти	Жон бошига тўғри келадиган бюджет даромадлари ҳажми (К10) Жон бошига тўғри келадиган бюджет харажатлари ҳажми (К11) Ҳар 100, 0 минг кишига тўғри келадиган тижорат банклари ва филиаллари сони (К12)
4	Ташқи иқтисодий фаоллик салоҳияти	Туман(шаҳар)нинг вилоят экспортидаги улуши (К13) Туман(шаҳар)нинг вилоят импортидаги улуши (К14) Жон бошига тўғри келадиган экспорт ҳажми (К15) Жон бошига тўғри келадиган импорт ҳажми (К16)
5	Меҳнат ресурслари салоҳияти	Туман (шаҳар) жами меҳнат ресурслари таркибида банд бўлганлар улуши (К21) Туман (шаҳар) жами аҳоли сонида меҳнат ресурсларининг улуши (К22)
6	Тадбиркорлик фаоллиги	Ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони (К17) Кичик бизнес субъектлари томонидан аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат

¹⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

	салоҳияти	маҳсулотлари ҳажми (K18) Кичик бизнес субъектлари томонидан аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми (K19) Кичик бизнес субъектлари томонидан аҳоли жон бошига кўрсатилган хизмат кўрсатиш ҳажми (K20)
7	Инфраструктура салоҳияти	Худуднинг боғланганлик даражаси (K23) Худуднинг газ тармоғи билан таъминланганлик даражаси (K24) Худуднинг ичимлик билан таъминланган таъминланганлик даражаси (K25) Худуднинг оқова сув тизими билан таъминланганлик даражаси (K26)
8	Табиий-географик салоҳият	Худуд марказидан ташқи савдо учун энг яқин денгиз портигача бўлган масофа (K27) Худуднинг минерал хомашё захиралари билан таъминланганлик даражаси (углеводород ресурсларидан ташқари) (K28) Худуднинг қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер ресурслари билан таъминланганлик даражаси (K29)

Инвестицион салоҳиятни баҳолаш натижаларига кўра, 2019 йилда юқори инвестицион фаолликка эга экани, бой табиий ресурсларнинг мавжудлиги, қулай географик жойлашув, иқтисодий ривожланиш ва самарадорликнинг юқорилиги ва инфраструктура объектларининг ҳолатидан келиб чиқиб, Қарши шаҳри, Муборак, Нишон, Касби, Миришкор туманлари **юқори**, Қарши, Дехқонобод, Ғузор, Китоб туманлари ва Шаҳрисабз шаҳри **ўрта**, Яккабоғ, Косон, Қамаш, Шаҳрисабз, Чироқчи туманлари **паст инвестицион салоҳиятга эга** худудлар сифатида қайд этилди (7-жадвал).

7-жадвал

Қашқадарё вилояти туман(шаҳар) ларининг инвестиция салоҳияти даражаси бўйича гуруҳланиши (2019 йил)¹⁵

Туман (шаҳар)лар	Инвестиция салоҳиятининг якуний баҳо кўрсаткичи
1-гуруҳ – юқори салоҳиятга эга худуд	
Қарши ш.	0,66578
Муборак	0,624043
Нишон	0,442066
Касби	0,340247
Миришкор	0,329937
2-гуруҳ – ўрта салоҳиятга эга худуд	
Қарши т.	0,310934
Дехқонобод	0,309695
Ғузор	0,268799
Китоб	0,219886
Шаҳрисабз ш	0,205506
3-гуруҳ – қуйи салоҳиятга эга худуд	
Яккабоғ	0,203977
Косон	0,202114
Қамаш	0,162526
Шаҳрисабз т.	0,154957

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

“Худудларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг самардорлигини ошириш йўллари” деб номланган учинчи бобда хорижий инвесторларнинг қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган омиллар ва Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларига инвестиция жалб қилинаётган соҳаларнинг устуворлиги кўп мезонли қарор қабул қилиш модели асосида баҳоланди ва худудларнинг “ўсиш нуқта”ларига хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали самардорликни ошириш зарурати асосланди.

Тадқиқотда хорижий инвестицияларни жалб қилишга таъсир кўрсатадиган омиллар ва Қашқадарё вилояти худудлари учун инвестиция киритиш учун энг қулай соҳа(тармоқ) ва худудларнинг “ўсиш нуқта”ларини аниқлаш иерархик таҳлил усули (Analytic hierarchy process)дан фойдаланган ҳолда 3 босқичда тадқиқ этилган.

Биринчи босқич иерархик структура тузиш босқичи бўлиб, структурага тадқиқ қилинаётган муаммо, унинг ечимини танлаш учун мезонлар, ечимга таъсир қилувчи омиллар, муаммо ечими бўлиши мумкин бўлган барча муқобил вариантлар ва улар орасидаги боғлиқликни кўрсатувчи муносабатлар схематик равишда киритилган. Хорижий инвесторлар қарорига таъсир этувчи бозор, хомашё ресурслари, меҳнат ресурслари, худуднинг географик жойлашуви, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, молиявий инфратузилма, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар таркиби, институционал ва ҳуқуқий ҳолат, технологик ва инновацион ривожланиш даражаси иерархик структура мезонлари сифатида танланди. Иерархик структуранинг муқобил вариантлари сифатида саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, туризм соҳалари танланди.

Иккинчи босқич устунликни аниқлаш босқичи бўлиб, унда иерархиянинг ҳар бир поғонасидаги элементлар муҳимлик даражасига қараб, солиштирма таҳлил асосида тартибга солинди ва ҳар бир элемент учун устунлик коэффициенти ҳисобланди. Танланган мезонларни баҳолашда Қашқадарё вилоятида фаолият олиб бораётган салоҳиятли хорижий компанияларнинг 10 нафар экспертлари жалб қилинди

Учинчи босқич қарор қабул қилиш босқичи бўлиб, унда иерархия поғоналаридаги элементларнинг устунлик коэффициентлари ва поғоналар орасидаги боғлиқлик муносабатларидан фойдаланиб, муаммо ечими бўлиши мумкин бўлган муқобил вариантларнинг устунлик даражаси аниқланди. Ушбу босқичга Қашқадарё вилоятидаги 15 туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестиция масалалари бўйича ўринбосарлари жалб этилиб, вилоятнинг ҳар бир худуди учун саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларининг устуворлик даражаси аниқланди ва энг устувор соҳаларнинг “ўсиш нуқта”лари белгиланди.

Танланган мезон ва соҳалар устуворлигини ўзаро солиштиришда америкалик математик Т.Саати томонидан таклиф этилган баҳолаш шкаласидан фойдаланилди (8-жадвал). Шкалага 1 дан 9 гача бўлган бутун сонлар асос қилиб олинган ва иккита А ва Б вариантлар ўзаро солиштирилган. Солиштиришда нисбатан муҳим элементга 3,5,7,9 бутун сонлари, иккинчисига

эса бутун сонга тескари каср сон мос кўйилади. Баҳолаш жараёнида айрим ҳолатларда 2, 4, 6, 8 рақамлари оралик қийматлар учун ишлатилади.

8- жадвал

Танланган мезонларнинг устунлик жадвали¹⁶

А нинг Б дан устунлик даражаси	Тавсифи	Б нинг А дан устунлик даражаси
1	А ва Б тенг имкониятга эга	1
3	А Бдан енгил устунликка эга	1/3
5	А Бдан кучли устунликка эга	1/5
7	А Бдан етарлича кучли устунликка эга	1/7
9	А Бдан мутлақ устунликка эга	1/9
2,4,6,8	А нинг Б дан устунлиги юқоридаги ҳолатларнинг орасида	1/2, 1/4, 1/6, 1/8

